# Ш А Р Т Н О М А № 1

Шовот «19» Январ 2022 й.
(шаҳар, туман , кишлок)

"Шовот Шохрух Мирзо" фермер хужалиги бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Х. Жуманиязов фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Урганч шахар ОМСТБДИМ-интернат раҳбари Х.Худойқулов. иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди .

## 1. Шартнома предмети

**1.1.** «Сотувчи» шартномада кўрсатилган махсулот(лар)ни етказиб беради, «Харидор» эса шартномада кўрсатилган махсулот хакини ўз вактида ва белгиланган тартибда тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

**1. 2.**

| № | Махсулот тури | Ўл. бир. | Микдори | Нархи | Умумий киймати |
|---|---|---|---|---|---|
| | Мол гўшт | кг | 2000 | 62500 | 125000000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | Жами: | | | | 125000000 |

## 2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

**2.1.** Шартноманинг умумий киймати (бир юз йигирма беш миллион сўмни ташкил килади.

## 3. Тўлов шартлари

**3.1.** «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот микдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 3 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи маҳсулот тўлик етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

**3.2.** Тўлов тури : пул ўтказиш

## 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

**4.1.** Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин, шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган фоиз миқдори ўтказилгандан сўнг 1 кун вакт ичида берилиши шарт.

**4.2.** Шартноманинг амал килиш муддати: 2022 йил «19» Январ дан 2022 йил «31» Декабргача ўз кучида колади.

## 5. Тарафлар хукуклари

**5.1.** «Харидор»нинг ҳуқуклари:

**5.1.1.** Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вактида ва сифатли махсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб килишга;

**5.1.2.** «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

**5.2.** «Сотувчи»нинг ҳуқуклари:

**5.2.1.** Ушбу шартнома асосида белгиланган махсулотлар учун олдиндан хак тўлашни ва амалдаги шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Харидор»дан талаб килишга;

**5.2.2.** «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, махсулотни кабул килишда асоссиз равишда рад килиш натижасида етказилган зарарни талаб килишга ҳақлидир.

## 6. Тарафлар мажбуриятлари

**6.1.** «Сотувчи» мажбурияти:

**6.1.1.** Шартномада кўрсатилган талабларга риоя килган холда ўз вактида «Харидор»га махсулотни етказиб бериш;

**6.1.2.** Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини кайтариб бериш.

**6.2.** «Харидор» мажбурияти:

**6.2.1.** Махсулотни кабул килиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб муддатида маҳсулотни кабул килиб олиш;

**6.2.2.** Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

**6.2.3.** Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

### 7. Тарафлар жавобгарлиги

**7.1.** Маҳсулот бериш вактида шартнома бандларига тўлик риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлик қоплайди ва кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % микдорда пеня тўлайди, лекин 50 % микдордан ошиб кетмаслиги керак.

**7.2.** «Сотувчи» «Харидор»га маҳсулотни ўз вактида етказиб берилмаган ҳар куни учун махсулот баҳосидан 0,5 % пеня тўлайди.

**7.3.** Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % микдорида пеня тўлайди.

**7.4.** Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вактида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 5 % микдорда жарима тўлайди.

**7.5.** Маҳсулот учун «Харидор» ўз вактида ёки тўлик тўловни амалга оширмаган бўлса, кечиктирилган ҳар бир кун учун маблағ микдоридан 0,4 % пеня тўлайди, лекин 50 % микдордан ошиб кетмаслиги керак.

**7.6.** «Сотувчи» омборидан ўз вактида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % микдорида жарима тўлайди.

**7.7.** Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

### 8. Форс-мажор ҳолатлари

**8.1.** Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошкини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

**8.2.** Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

### 9. Низони ҳал қилиш тартиби

**9.1.** Ушбу шартномада ёки унга боғлик масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

**9.2.** Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

### 10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

**10.1.** Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

**10.2.** Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

### 11. Бошқа ҳолатлар

**11.1.** Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

**11.2.** Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПК-594** сонли Қарорига асосан Ғазначиликда рўйхатдан олингандан кейин қонуний кучга киради.

**11.3.** Тарафларнинг бошқа талаблари: ______________________________

**11.4.** Шартномага илова: ______________________________

### 12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| **Шовот Шохрух Мирзо фермер хужалиги** | Ург. шах. ОМСББДИМ-интернат |
| Манзил: Шовот тумани Чигатойкалъа кишлоги | Наманган чо. |
| Тел/факс: 99 557 00 99 | Тел: 225-23-38. |
| х/р : 20208000200764595001 | х/р 100021860334017092300245001 |
| Банк: «Хамкор» банк Урганч филиали | стир: 202025934 |
| МФО: 01020 | МФО: 00014. |
| СТИР: 304796099 | Марк. банк. Таш. шах. |
| ОКОНХ: | Худайкулов Х.Т. |

Етказиб берувчи ______________ Х.Жумангиязов
(Ваколатли шахс Ф.И.О имзоси )

Сотиб олувчи К.Худайкулов.
(Ваколатли шахс Ф.И.О имзоси )

М.У

М.У

Хукукшунос ______________ М.Корimов.

**НАЦИОНАЛЬНАЯ СИСТЕМА СЕРТИФИКАЦИИ**
**РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**Орган по сертификации «Uz-TEST» ДУК қошидаги «Озик-овкат ва парфюмерия-косметика махсулотларини сертификатлаштириш органи, UZ.AMT.06.MAI.378**
**Адрес: Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 77 уй., Тел.: +998 (71) 248-04-66**
(наименование органа по сертификации, адрес, № в Государственном реестре)

№ **2517068**

# СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ

Зарегистрирован в Государственном реестре
От **31 мая 2021 г.**
№ **UZ.SMT.01.378.64283364**
Действителен до **31 мая 2024 г.**
Код ТН ВЭД **0201100000**
(справочно)

**ФХ SHOVOT SHOXRUX MIRZO, УЗБЕКИСТАН**
(наименование предприятия, страна-изготовитель)

Настоящий сертификат удостоверяет, что идентифицированная должным образом продукция:

**1-тоифали совутилган катта ёшдаги йирик шохдор мол гўшти (бутун тана, икки ва тўрт бўлакларга ажратилган). Мясо говядины взрослого крупного рогатого скота 1-категории, охлажденном (в тушах, полутушах и четвертинах)**

(наименование, тип, марка)

**ялпи махсулот ишлаб чикариш**
(количество или серийное производство)

соответствует требованиям нормативной документации **Uz.TR.36-030-2018; ГОСТ 34120-2017;**

Схема сертификации: **3 (Три)**
Заявитель (изготовитель, продавец): **ФХ SHOVOT SHOXRUX MIRZO**
(нужное подчеркнуть)

**Хорезмская область Шаватский район**
(фактический и юридический адрес)

Сертификат выдан на основании:
а) документов **«UzTest» ДУК қошидаги озик-овқат ва парфюмерия косметика махсулотларини сертификатлаштириш органини мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисидаги 27/5689-сонли қарори. Хоразм в, СЭО ва ЖСХБ ни 2021й 31 майдаги 338989-сонли Сан.Эпидемиологик Хулоса**

б) испытания образцов **Хоразм в, СЭО ва ЖСХБ (MAI.686) 2021й 27-29,31 майдаги 74, 8/267, 19/268, 19/282,13/127-сонли; «UzTest» ДУК АСЛ (MAI.002) 2021й 28 майдаги 857-сонли; «UzTest» ДУК Хоразм ф АСЛ (MAI.182) 2021й 26 майдаги 1/221-сонли синов баённомалари**

в) акт проверки производства **«UzTest» ДУК қошидаги озиқ-овқат ва парфюмерия, косметика махсулотларини сертификатлаштириш органи 2021й 31 майдаги 27/5689-сонли и/ч бахолаш далолатномаси**

Инспекционный контроль осуществляет с периодичностью:
**"UzTest" ДУК томонидан 2021йил 31 майдаги 2021/2120-сонли келишувга асосан 1 йилда 2(икки) марта.**

Особые отметки: **Мувофиқлик сертификати тўғри сақлаш ва транспортда ташиш шартларига тўла риоя қилганда ҳақиқий ҳисобланади**

Знак соответствия проставляется: **Товар кузатув хужжатларида**

Руководитель органа по сертификации: **Мухитдинов. О. Н.**
Эксперт: **Базарова. Д.**

**642833**

4506

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"SHOVOT SHOXRUX MIRZO" Fermer xo'jaligi

"SHOVOT SHOXRUX MIRZO" FX

Tasdiqlanadi (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarni o'zgartirish)

04.04.2017 | 501591 | ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR): 304706899

Tashkiliy-huquqiy shakli: Fermer xo'jaligi

Joylashgan joyi: Xorazm viloyati, Shovot tumani, Chig'atoyqal'a, MEVAZOR MAHALLASI,

Guvohnoma: Xorazm viloyati, Shovot tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

**Ш А Р Т Н О М А  № 1**
(қушхона хизмати бўйича)

"5" Январь 2022й

Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятнининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги мувофиқ келгусида "Хизмат кўрсатувчи" деб аталувчи **"MEAT LEATER TRADE"** оилавий корхонаси номидан устав асосида иш юритувчи,унинг рахбар О.Азизов бир томондан ва келгусида "Буюртмачи" деб юритилувчи Шовот Шохрух Мирзо ф/х иш юритувчи унинг рахбари Х.Жуманиязов иккинчи томондан,қуйидагилар хақида шартнома туздилар.

**1.Шартноманинг предмети**

1.1 "Хизмат кўрсатувчи" мазкур шартномага асосан узига тегишли бўлган Шовот тумани Тараққиёт махалласида жойлашган автоматлаштирилган замонавий қушхона миникомплексида "Буюртмачи"нинг қорамолларини сўйиб бериш хизматини кўрсатади.
1.2 Сўйиш учун келтирилган қорамолларни ветеринария кўригидан ўтказиш.
1.3 Сўйилган қорамоллар гўштларини тиндириш хоналариидан фойдаланиш.

**2. Хизмат хақининг микдори,тўлов тури ва муддатлари**

2.1 Қушхона хизмат хақининг миқдори бир бош қорамол учун сўйиб бериш хақи 80000 (саксон минг) сўмни ташкил қилади.
2.2 Тўлов 100 % олдиндан тўлов шаклида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**3. Хизмат кўрсатувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1 "Хизмат кўрсатувчи" "Буюртмачи"дан кўрсатилган қушхона хизмати учун лозим бўлган суммани ўз муддатларида тўлашни талаб қилишга хақли.
3.2 Агарда "Буюртмачи" томонидан ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб икки ой давомида қорамол сўйишга олиб келинмаса, "Буюртмачи"ни оғзаки равишда огохлантириб ушбу шартномани бир томонлама бекор қилишга хақли.

**4. Буюртмачининг мажбуриятлари**

4.1 Ушбу шартноманинг 2.3-бандида кўрсатилган суммани "Хизмат кўрсатувчи"нинг талабига кўра,ариза бериш мажбуриятини олади.
4.2 "Хизмат кўрсатувчи" томонидан сўйиб берилган қорамоллар учун хизмат хақини сўйилган қорамол учун ветеринария маълумотномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб,3 кун ичида ўтказиб бермаса,хар бир кечиктирилган кун учун ўтказилмаган маблағнинг 0,5 % и миқдорида пеня ва ўтказилмаган маблағнинг 10 % миқдорида жарима тўлайди.

**5. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари**

5.1 Ушбу шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ёки бекор қилиши мумкин.Шартноманинг 3.2 банди бўйича бекор қилинганда "Буюртмачи"нинг розилиги талаб қилинмайди.
5.2 Суд қарорига асосан.

**6. Шартноманинг кучга кириши ва низолари хал қилиш тартиби**

6.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб,хар иккаласи бир хил юридик кучга эга.
6.2 Ушбу шартнома бўйича келиб чиқадиган низолар тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки суд орқали хал қилинади.
6.3 Шартнома имзоланган кундан 2031 йил 31 декабргача амал қилади.

**7. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари:**

| | |
|---|---|
| "ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ" | " БУЮРТМАЧИ " |
| "Meat Leater Trade" О/К | Шовот Шохрух Мирзо ф/х |
| х\р 20208000600722053001 | Шовот т. Чиғатой МФЙ |
| Банк: АТ Халқ банк Каравул филиали | 20208000200764595001 |
| МФО: 00817 | Халқ банк Урганч ф. |
| ИНН: 304625753 | МФО: 00405 ИНН 304796099 |